

**ТИКЛАНИШ ОРОЛИ ВА ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИШИ НАТИЖАСИДА
ШАКЛЛАНАЁТГАН ОРОЛҚУМ ЎЛАТНИНГ ПОТЕНЦИАЛ ЎЧОҒИНИНГ
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

*Норбоев Холмамат Нуралиевич¹, Халилов Мансур Азизович¹, Мадаминов Марифжон¹,
Умаров Шухрат Жумадуллаевич¹*

¹Республика ўлат профилактика маркази

**THE CURRENT STATE OF THE POTENTIAL PLAGUE FOCUS IN OROLKUM,
FORMED AS A RESULT OF THE DRYING OF THE ARAL SEA AND TIKLANISH
ISLAND**

*Norboev Kholmamat Nuraliyevich¹, Khalilov Mansur Azizovich¹,
Madaminov Marifjon¹, Umarov Shukhrat Jumadullaevich¹*

¹Republican Center for Plague Prevention

**ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ ПОТЕНЦИАЛЬНОГО ОЧАГА ЧУМЫ В ОРОЛКУМЕ,
СФОРМИРОВАВШЕГОСЯ В РЕЗУЛЬТАТЕ УСЫХАНИЯ АРАЛЬСКОГО МОРЯ И
ОСТРОВА ТИКЛАНИШ**

*Норбоев Холмамат Нуралиевич¹, Халилов Мансур Азизович¹, Мадаминов Марифжон¹,
Умаров Шухрат Жумадуллаевич¹*

¹Республиканский центр профилактики чумы

https://doi.org/10.62209/SPJ/vol5_Iss2/art4

Аннотация. Мақолада Тикланиш ороли ва Орол денгизининг қуриши натижасида шаклланаётган Оролқум ўлатнинг потенциал ўчоғининг ҳозирги ҳолати ёритилган.

Калит сўзлар: ўлат, эпизоотия, эпидемия, профилактика, ўчок, кемирувчилар сони.

Abstract. This article highlights the current state of the potential plague focus in Orolkum, formed as a result of the drying of the Aral Sea and Tiklanish Island.

Keywords: plague, epizootic, epidemic, prevention, focus, rodent population.

Аннотация. В данной статье освещено текущее состояние потенциального очага чумы в Оролкуме, сформировавшегося в результате усыхания Аральского моря и острова Тикланиш.

Ключевые слова: чума, эпизоотия, эпидемия, профилактика, очаг, численность грызунов.

Орол денгизидаги Тикланиш ороли 1848 йилда лейтенант А.И.Бутеков томонидан очилган. Ўлчами 1960 йилда 215 (6) км², 1990 йилда 55 (0) км²ни ташкил этган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Тикланиш ороли тахминан 600 км² ни ташкил этмоқда.

1960 йилда бошланган Орол

денгизининг қуриш жараёни фақатгина экологик муаммо бўлмасдан, Оролбўйи ҳудудларда эпидемиологик вазиятни кескинлашишига олиб келиши мумкинлиги аниқланди. Орол денгизининг материк (қуруқлик) билан (2001 йилларда) қўшилиши мавжуд ўлат ўчоқларини кенгайиши ёки Оролқум ўлат ўчоғини пайдо бўлишига олиб

келмоқда. Орол денгизининг қуриб бораётган тубида пайдо бўлган чўл 4,2 млн. гектар ҳудудни ташкил этмоқда. Орол денгизи Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудига тўғри келиб, кумли-шўрли чўл ҳудуд, шимолий-ғарбий томондан Устюрт, Қорақум ва Қизилқум ўлатнинг табиий ўчоқлари билан чегарадош.

2002 йил АҚШ Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида, Тикланиш оролида жойлашган Собик иттифоқ даврида қурилган биологическая лаборатория атрофида, лаборатория чиқиндилари қўмилган 11 та қабристонда зарарсизлантириш (деактивация) ишлари ўтказилган.

2007 йилда Тикланиш ороли ва Орол бўйи ҳудудларида катта масштабда Ўзбекистон, Россия, Малайзия, Хитой ва Жанубий Корея давлатлари (Петро-альянс компанияси) билан ҳамкорликда геологик қидирув ишлари олиб борилган.

Текширув мақсади - пайдо бўлган Оролқум саҳросида ўлат касаллигининг табиий ўчоғи шаклланишига таъсир қилаётган эпизоотик факторларни ҳозирги ҳолатини ўрганиш.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан, Тикланиш оролида Республика ўлат профилактика марказининг мутахассислари томонидан 5 км. радиусда санитария ва соғломлаштириш ишлари амалга оширилиб, буфер зонаси барпо этилди. Тикланиш ороли пайдо бўлаётган Оролқумнинг марказида жойлашган бўлиб, текширилган ҳудудларда ўлат қўзғатувчиси манбаи бўлган кемирувчилардан қизилдумли кумсичқон, тушки кумсичқон, кўшоёқ кумсичқони, сарик юмронқозиқ, Талай куёни ва бошқа турдаги кемирувчилар борлиги аниқланган. Улар ҳар-хил биотопларда гектарига 5 тадан 15 тагача тўғри келган.

Текшириш усуллари ва материаллари. Республика ўлат профилактика маркази мутахассислари томонидан 2002 йилдан ҳозирги кунга қадар Оролқумда, ўлат касаллигининг потенциал ўчоғини ўрганиш ҳудудни

эпизоотологик текшириш қабул қилинган стандарт эпизоотологик текширувлар асосида ўтказилди. Тутилган кемирувчилар намуналари бактериоскопик, бактериологик, биологик ва серологик усуллар ёрдамида амалга оширилди.

Натижалар ва муҳокамалар.

Ҳозирги вақтда Тикланиш ороли барча томони Оролқум билан ўралган. Сув ортга чекиниши ҳисобига Тикланиш оролининг ўсимликлари ва кемирувчилари олдинги қирғоқ бўйича 50 метрдан айрим жойларда 2000 метргача Оролқумга кириб борган, яъни Тикланиш ороли кенгаймоқда. Ундан кейинги масофаларда эса тузли кум (рус тилида “солончак” дейилади ва унда ўсимлик ва кемирувчилар учрамайди) бошланади.

Ҳозирги вақтда ҳам Орол денгизининг қуриши давом этмоқда. Орол денгизинининг қуришига асосий сабаб, қишлоқ хўжалигида экинларни суғориш учун, уни сув билан таъминловчи Амударё ва Сирдарё дарёларининг сувидан нооқилона фойданишдир [1].

Ўзбекистон ҳудудида Орол денгизининг қуруқ тубида ҳаракатланувчи кумларни бириктирган ҳолда ўрмон плантацияларини барпо этиш бўйича ишлар 1980 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда. 2000 йилдан буён бу ишга халқаро ташкилотлар, хусусан, Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ)), Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармаси, Жаҳон банки, Глобал экологик фонд (ГЭФ), Япония Экологик жамғармаси ва бошқалар жалб этилган. Ҳозирги кунга келиб минтақавий биологик хилма-хилликдан 200 турдаги ўсимлик ва ҳайвонлар қамайдиган. 1960 йиллардан Оролнинг қуриган тубида ҳозирги кундаги табиий ва сунъий (экилган) ўсимлик дунёси ривожлана бошлаган.

Тикланиш ороли ҳудудида олиб борилган кўп йиллик эпизоотологик кузатув натижасида кемирувчи турларини тарқалганлиги визуал ва қопқонларда ушлаб аниқланган (1 жадвалда келтирилган).

№	Йил	Кемирувчилар турлари							Изох
		Сариқ юмронқозик	Қизилдумли қумсичқон	Тушки қумсичқон	Кулранг олаҳуржин	Кичик қўшоёқ	Қум қуён	Уй сичқон	
1.	2002	+	+	+	+	+	+	+	Визуал кузатув олиб борилган
2.	2006	+	+	+	+	+	+	+	Визуал кузатув олиб борилган
3.	2007	+	+	81	+	11	+	2	Визуал кузатув олиб борилган, дератизация, дезин.
4.	2008	175	+	32	2	9	6	+	Эпизоотологик текширув олиб борилган
5.	2009	2	13	33	1	-	-	-	Эпизоотологик текширув олиб борилган, визуал кузатув
6.	2010	5	6	46	+	+	+	+	Эпизоотологик текширув олиб борилган, визуал кузатув
7.	2011	+	+	+	+	+	+	+	Эпизоотологик текширув олиб борилмаган, кузатув
8.	2012	-	-	-	-	-	-	-	Эпизоотологик текширув олиб борилмаган, вакцинация
9.	2013		23	110		1	3	6	Эпизоотологик текширув олиб борилмаган, визуал кузатув
10.	2014	-	-	-	-	-	-	-	Эпизоотологик текширув олиб борилмаган
11.	2015	-	-	-	-	-	-	-	Эпизоотологик текширув олиб борилмаган, вакцинация
12.	2016	-	-	-	-	-	-	-	Эпизоотологик текширув олиб борилмаган
13.	2017	-	-	8	-	-	-	-	Эпизоотологик текширув олиб борилган

14.	2018	-	-	-	-	-	-	-	Эпизоотологик текширув олиб борилган везуал кузатув
15.	2019	-	-	-	-	-	-	-	Визуал эпизоотологик текширув олиб борилган, визуал кузатув
16.	2020	-	-	-	-	-	-	-	Визуал эпизоотологик текширув олиб борилган, визуал кузатув
17.	2021	-	-	-	-	-	-	-	Визуал эпизоотологик текширув олиб борилган, визуал кузатув
18.	2022	-	-	-	-	-	-	-	Визуал эпизоотологик текширув олиб борилган, визуал
19.	2023		3	6					Эпизоотологик текширув олиб борилган
20.	2024		17	2	2				Эпизоотологик текширув олиб борилган

2024 йил май ойида Республика ўлат профилактикаси марказининг Қорақалпоғистон филиали мутахассислари билан биргаликда Қораўзак тумани Қораўзак хўжалигида - Орол денгизининг қуриган тубида барпо этилган саксовулзор ўрганилди. Саксовулзор 2002-2005 йилларда экилган бўлиб, ҳозирги вақтда саксовуллар 5 метргача етган. Кемирувчилар мавжуд. Жумладан: 2020 йилда катта қумсичқон 37 та, эктопазитлари 11 та, тушки қумсичқон 9 та, эктопаразитлари 2 та, қўрилган кемирувчилар уялари 63 тани ташкил этган. Эктопаразитлар миграцияси кузатилмаган.

2021 йилда катта қумсичқон 85 та, эктопаразитлари 12 та, тушки қумсичқон 34 та, эктопаразитлари йўқ, қўрилган кемирувчилар уялари 171 та - эктопаразитлар миграцияси кузатилмаган.

2022 йилда катта қумсичқон 285 та, эктопаразитлари 185 та, тушки қумсичқон 18 та, эктопаразитлари 8 та, қўрилган кемирувчилар

уялари 648 та - эктопаразитлар миграцияси 415 тани ташкил этган.

2023 йилда катта қумсичқон 151 та, эктопаразитлари 415 та, тушки қумсичқон 26та, эктопаразитлари 10 та, қўрилган кемирувчилар уялари 444 та - эктопаразитлар миграцияси 423 тани ташкил этган.

Ҳозирги вақтда катта қумсичқон 50-80 км, айрим жойларда эса 100 км денгизнинг қуриган тубида мавжуд [2].

Мўйноқ тумани Учсой аҳоли пунктидан (Мўйноқдан 10 км. масофада жойлашган) Тикланиш оролига йўналиши бўйлаб 0-105 км йўл қурилган, 40 км масофагача йўл ёқасида майда қумсичқонлари мавжудлиги аниқланди.

Мўйноқдаги кемалар қабристонини ва унга туташ чўл ҳудудларда ҳам олдинги қирғоқдан деярли 40-45 км масофада чўл ўсимликлар экилган ёки табиий ўсиб чиққан ҳамда у ерда кемирувчилар мавжуд.

Маълумки, Тикланиш оролида катта

қумсичқон йўқ. (Устюрт ва Қизилқум чўлида ўлат касаллигининг асосий резервуари). Тикланиш оролида эса асосан қизил думли ва тунги қумсичқонлар борлиги аниқланди.

Хулосалар

1. Тикланиш ороли билан чегарадош мавжуд ўлатнинг иккита Устюрт ва Қизилқум табиий ўчоқларига нисбатан мустақил, яъни (автоном) ҳисобланади, асосий резервуари қизил думли қумсичқон деган хулосага келиш учун кейинги мавсум ва йилларда яна эпидотрядлар ташкил этиб, чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

2. Оролқумдаги эпизоотик вазиятни ўрганиш ва инсонга таъсирини баҳолаш учун

йилига икки марта мавсумий эпизоотологик ва эпидемиологик мониторинг ишларини давом эттириш керак.

3. Орол денгизининг қуриган туби ҳудудида ўлат эпизоотияларининг пайдо бўлиши эҳтимоли юқори, сабаби Қизилқум чўл ҳудудлари билан Устюрт текислиги Тикланиш ороли қўшилиб кетганлиги, у ерда барпо этилаётган яшил ҳудудлар кемирувчилар учун озуқа муҳити бўлиб, кемирувчиларнинг миграциялари кузатилмоқда. Юқоридагиларни инобатга олиб, янги табиий ўчоқлар шаклланиши эҳтимоли юқори.

Фойданилган адабиётлар:

1. Базарова Г.Р. Орол денгизининг қуриган туби - ўлат касаллигининг табиий потенциал ўчоғи// Проблемы особо опасных инфекций, чик. 104, 2010 й. 18-21 б.

2. Самандаров О., Хабибуллаев А. современное состояние мелких млекопитающих обсохшего дна Аральского моря и их роль в распространении чумы// Теория и практика современной науки. № 6 (72), 2021 г. С. 280-282.